

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adotlat

Ўзбекистон — Жанубий Корея МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Қарийб 51 миллион нафардан ортиқ аҳоли умргузаронлик қилаётган Жанубий Кореяда қонун устуворлиги таъминланган. Корея халқи тартиб-қоидага қатъий амал қилади. Тақиқланган жойга чиқинди ташласангиз, шу заҳоти жаримага тортиласиз. Жамоат жойида баланд овозда гапириш, автомобиль йўлида ҳайдовчи, айниқса, светофорда сигнал бериб бошқа ҳайдовчиларни хавотирга тушириши жавобгарликка сабаб бўлади. Умуман, белгиланган тартибга вазири, амалдорми, ёшу-қари ҳамма бирдек амал қилади.



4

Фурқат САХАТОВ



Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари ташаббуси билан маҳаллий давлат ҳокимиятининг конституциявий асослари такомиллаштирилгани муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишни назарда тутувчи қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Мазкур қонун лойиҳасида куйдагилар кўзда тутилмоқда:
– маҳаллий Кенгашлар фаолиятига депутатлар орасидан сайланадиган раис бошчилик қилиши;
– Халқ депутатлари Кенгаши раиси ўз вазифаларини бажариш даврида доимий ва бошқа комиссиялар, партия гуруҳлари таркибига кириши мумкин эмаслиги;
– кенгашлар йиғилишларида ҳоким номзоди

қўриб чиқилаётганида номзод маҳаллий Кенгаш депутатларига ҳудудни ривожлантириш дастурини тақдим этиши шартлиги назарда тутилмоқда.
Қонун лойиҳасига Конституциямизда кафолатланган нормалар билан бир қаторда “Кенгаш сўрови”, “Кенгаш текшируви” каби янги институтлар киритилмоқда. Шу билан бирга қонун лойиҳасида Халқ депутатлари Кенгашида қандай комиссиялар тузи-

лиши бўйича нормалар аниқ белгиланмоқда.
Мазкур қонун лойиҳаси устида Қонунчилик палатасининг Коррупцияга қарши курашиш ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан олимлар, мутахассислар, экспертлар, жамоатчилик вакиллари жалб этилган ҳолда қизгин иш олиб борилмоқда.
Маълумот учун: Янги тахрирдаги Конституцияда халқ депутатлари Кенгашига унинг депутатлари орасидан қонунга мувофиқ сайланадиган раис бошчилик қилиши ҳамда вилоят, туман, шаҳар ҳокими лавозимини эгаллаб турган шахс бир вақтнинг ўзида халқ депутатлари Кенгашининг раиси лавозимини эгаллаши мумкин эмаслиги белгилаб қўйилган.

Оромгоҳлар учун



“Илм зиёси” оромгоҳида эса ётоқларнинг бир қисми эскиргани ва уларни янгисига алмаштириш кераклиги айтилди. Энг ачинарли ҳолат шуки, учала дам олиш оромгоҳининг ахборот-ресурс марказларида эски ва яроқсиз китоблар борлиги аниқланди.

2

РЎЗИГУЛНИ ТАНЛАГАН “адолат”чиларга раҳмат!

Депутат ҳисоботи эшитилгандан сўнг сайловчиларга сўз берилди.
– Ҳудудда 12 та фермер хўжалиги бор, – деди Олимжон Усмонов. – Мен ҳосилотман. Рўзигул боғ ишини ҳам қотириб қўяди. Пухта тадбиркор. Хотин-қизларга “бекор ўтирманлар”, дейди. Фабрикадан иш топиб беради. Уйда товуқ, чорва боқинг, рўзгорга ёрдам бўлади, деб ундайди...

3

Бугуннинг гапи

“ПАБЖИ” ЎЙИНИ –



“қотиллик”ка тайёрлаш мактаби...(ми?!)

...айрим ота-оналар эса бир том остида яшаб туриб, ишдан қайтишган заҳоти фарзандлари таълим-тарбияси билан машғул бўлиш ўрнига, ўзлари телефонга муккасидан кетадилар.
Биз эътиборсиз, оддий ўйин деб қараётган шафқатсизликлар фарзандларимизнинг қалбини тошдек қотириб қўймайтими? Тош қотган дийдалар эса ҳар қандай ёвузликдан қайтмасликлари ҳаёт ҳақиқати эмасми?
Шу ҳақида ўйлаб кўрайлик. Фарзандларимизнинг келажаги барбод бўлишига йўл қўймайлик, азизлар.

6

Ўзбекистон — ЖСТ: ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

... мамлакат жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича муҳим қарорларни қабул қилишда иштирок этади, яъни ташкилот йиғилишида қатнашадиган ҳар бир давлат ўз овозига эга бўлади.



5

КИМ АЙБДОР?

Томоша кўрсатаётган болаларми ёки?!

«Кўча боласи» бўлиб шаклланаётган уч болакай ҳақидаги ҳикояни ниҳоясига етказганимдан сўнг туғилган бир савол мени унга жавоб излашга ундади. Хўш, болалар нима учун бундай аҳволга тушиб қолишди? Уларнинг келажакдаги ҳаёти қандай ўтади? Фарзандига тўғри тарбия бера олмай ҳаловатидан айрилган ота-оналари қандай ситамлар кутмоқда?



6



Ишончни оқлашнинг ўзи бўлмайди

Халқ депутатлари Избоскан туман кенгаши депутатлари тўғрисида гап борганда "Адолат" СДПдан сайланган халқ вакилларининг номи алоҳида тилга олинади. Бу бежиз эмас. Партиямизнинг тўрт нафар вакили ҳар доим жамоатчилик орасида, ҳудудлардаги муаммоларнинг ечимини топишда ташаббускор.

ЭНГ ХОЛИС БАҲО

сайловчилар фикрида намоён бўлади



Демократик жамиятда сайловчилар ўз вакиллари фаолиятини кузатиш ва баҳолаш ҳуқуқига эга. Шу нуқтага назардан, депутатларнинг ўз сайловчиларига ҳисобот бериши муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён нафақат депутатнинг масъулиятини оширади, балки сайловчилар билан очиқ ва самарали алоқани таъминлаб, билдирилган ишончни тўлақонли оқлаш йўлида фаолиятини таҳлил қилиш имконини беради.

Абу Али ибн Сино номидаги Сергели жамоат саломатлиги техникумида партиямиз фаоли, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Собир Турсуновнинг сайловчилар билан учрашуви ҳам юқоридаги жиҳатларга кўра аҳамиятли бўлди.

Дастлаб тадбирда сўз олган Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Абдукамол Раҳмонов сўнгги йилларда мамлакатимизда амалга оширилган ишхотлар ҳақида сўз юритар экан, депутатлар халқ вакиллари сифатида ўз сайловчилари олдига ҳисобдорлиги, уларнинг фаолиятига асп баҳони сайловчилар бериши ва, албатта, ҳисобот бераётган депутат билан биргаликда унинг партияси учун ҳам бирдек аҳамиятли эканлигини таъкидлаб ўтди.

«Адолат» СДП Марказий аппарати ҳамда Тошкент шаҳар кенгаши ходимлари, депутат сайлан-

ган 28-Йўлдош сайлов округи жойлашган ҳудуддаги 9 та маҳалла фуқаролар йиғинлари масъуллари ҳамда сайловчилар, шунингдек, давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик фаоллари, фахрийлар иштирок этган тадбирда депутат Собир Турсуновнинг ўтган даврдаги фаолияти юзасидан ҳисоботи тинланди.

Қайд этилганидек, ҳисобот даврида депутат ўз фаолиятини мамлакатимиз қонунчилигининг асоси – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ундан келиб чиқадиган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар ва албатта, партия Сайловолди дастурида белгиланган таълим, суд-ҳуқуқ, аҳоли саломатлигини сақлаш, ижтимоий-иқтисодий йўналишлардаги қатор устувор мақсадлар асосида самарали ташкил этиб, бу борада салмоқли натижаларга эришган.

Жумладан, депутат томонидан

ўтган даврда 250 дан ортққ фуқаролар мурожаатлари юзасидан қабуллар ташкил этилиб, аҳолининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлган масалаларга ижобий ечим топилган.

Шу билан бирга, ҳудудда жойлашган бир қатор мактабга таълим ташкилотларининг бинолари таъмирланиб, уларни керакли жиҳозлар билан таъминлашга эришилган. Айниқса, болалар учун спорт ва ёзги ўйингоҳлар замон талаблари даражасида қайта таъмирланиб, уларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказишларига хизмат қилмоқда.

Шунингдек, ҳудуддаги маҳаллаларнинг кўчалари, тротуар йўлқлари ҳамда улардаги ёритиш тизимларида аниқланган камчиликлар борасида сайловчиларнинг депутатимизга қилган мурожаатлари тегишли тартибда ташкил этилган амалий чоралар натижасида исчи равишда бартараф этилган.

Ўз фаолиятида аҳоли саломатлигига алоҳида эътибор қаратган сафдошимиз ижтимоий аҳамиятга эга бўлган касалликлар билан оғриган 50 нафарга ақин фуқароларга даволанишлари учун моддий ёрдам ажратиш, шунингдек, ижтимоий кўмакка муҳтож бемор фуқароларни дори-дармонлар билан таъминлаш ҳамда турли даражадаги тиббий кўриқларни таш-

кил этишдек эзгу ишларга бoш бўлди.

– Аҳоли бандлигини таъминлаш ижтимоий барқарорликни мустаҳкамлашга хизмат қилади, – деди ҳисобот давридаги фаолияти мобайнида 40 нафардан ортққ ишсиз фуқароларнинг бандлигини таъминлашга эришган депутат. – Зеро, касб-кори бор фуқаро, аввало, ўз оиласини моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш имкониятига эга бўлади. Бу эса оилаларнинг фаровонлигини оширади ва ижтимоий муаммоларни камайтиради.

Мухтасар айтганда, ташаббускор депутатимизнинг фаолиятига бағишланган сарҳисоб тадбири унинг ҳудуддаги кўплаб масалаларда сайловчилар ишончини оқлаши, аҳолини рози қилишга қаратилган амалий ишлари билан аҳамиятли бўлди. Қолаверса, келгусидаги муҳим вазифа ва мақсадлар юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

Албатта, депутат фаолиятига ҳақиқий баҳони сайловчилар беради. Тадбирда сўз олган ҳудуддаги МФЙ раислари ҳамда сайловчилар депутат Собир Турсуновнинг фаолиятини ижобий баҳолаб, унинг ўтган даврдаги фаолияти билан боғлиқ қатор ижобий мисолларни айтиб ўтишди.

«Адолат» СДП Матбуот хизмати



Маҳаллий кенгаш сессиялари ва доимий комиссияларга масала киритишда ҳам, фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлашда ҳам ўзига хос мактаб яратилган. Депутатлик гуруҳи аъзолари аниқ режа асосида иш юритадилар. Шундан бўлса керак, фуқаролар ўз муаммоларини "адолатчилар"га айтишга ўрганган.

Шу ўринда депутат Дилфуза Аҳмедова фаолиятига назар ташласак. У жойлардаги муаммолар юзасидан кимдир мурожаат қилишни кутиб ўтирмайди. МФЙ фаоллари билан ҳудудларни ўрганиш баробарида жамоатчиликни қийнаётган муаммоларга ечим излайди.

Халқ депутатлари Избоскан туман Кенгаши депутати Дилфуза Аҳмедова ўз фаолияти юзасидан ҳисобот берди.

– Сайлов арафасида сайловчиларга берган ваъдам кечагидек ёдимда, – деди туман кенгаши депутати. – Уларга қарата агар ишонч билдирсаларинга, албатта, ишончларингни оқлайман, дегандим. Бир қарашда бу оддий бир гапдек кўриниши мумкин. Бироқ мен учун катта синовга айланди. Сайловчиларни қийнаётган кичик бир муаммо ҳам тинчлик бермайди. Сарҳисоб қилсам, орадан ўтган вақт давомида 200 дан ортққ мурожаатларга жавоб топишга интилдим. 125 та муаммога ечим топдим, 160 нафар фуқаронинг бандлигини таъминлашга эришдим. Асосийси, сайловчилар оғир дамларда бизга мурожаат қилишга ўрганди.

Депутатнинг таъкидлаганича бор. Ишончни оқлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун тажриба, билим ва одамлар билан тиллаша билиш лозим. Халқ вакили буларнинг улдасидан чиқмоқда.

Узоққа бормайлик, шу йилнинг май ойида тумандаги "Ойбек" МФЙда яшовчи фуқаролардан келган мурожаатлар 12 тани ташкил этди. Уларнинг

аксарияти жойида ҳал этилди. Жумладан, "Янги асп" кўчасида яшовчи фуқаро Шуҳрат Маматов оилавий масалада депутат қабулига келди. Маълум бўлишича, у оилалик, бир фарзанди бор. Турмуш ўртоғи ишлаш баҳонасида Туркия давлатига кетган ва у ерда хорижлик фуқарога турмушга чиққан. Эндиликда Ш.Маматовдан ўз фарзандига оталик қилишдан воз кечишни сўрамоқда.

Ўзбек аёлга хос бўлмаган бу ҳаракат депутатнинг эътиборини тортди. Масала суд идораларига бориб тақалди. Депутат мурожаат асосида туман судига чиқди. Мақсад – қонуний ечим топиш. Айни вақтда тўпланган ҳужжатлар асосида иш Избоскан туман судида кўрилмоқда.

"Меҳр" кўчаси, 102-уйда яшовчи Умида Насирдинова 2-гуруҳ ногирони, бир фарзанди бор. У ўзгалар кўмагига кўз тикиб ўтирмай, тикувчилик билан шуғулланишни истайди. Бироқ тикув машинаси йўқ. Д.Аҳмедова унинг мурожаати асосида масъул ташкилотларга чиқди. Натижада Умиданинг оразулари ушаладиган бўлди.

"Олмазор" кўчаси, 71-уйда истиқомат қилувчи Манзура Тожибоева ижтимоий кўмакка муҳтож. У фарзандини мактабга таълим муассасасига жойлаштиришда кўмак сўради. Ўрганиш асосида чиндан ҳам фуқаронинг имконияти чеклангани, фарзандини МТМга бериш учун тўлов қўбилияти йўқлиги аниқланди. Депутат аралашуви билан масала ижобий ечим топди.

Юқоридаги каби мисолларни кўп келтириш мумкин. Бир сўз билан айтганда, избосканлик халқ вакили сайловчиларнинг ишончини оқламоқда.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

РўЗИГУЛНИ ТАНЛАГАН "АДОЛАТ" ЧИЛАРГА РАҲМАТ!

Чуст Наманган вилоятидаги иқтисодий жиҳатдан ривожланиб, аҳолининг турмуш тарзи тобора яхшиланиб бораётган туманлардан бири. Аҳоли азалдан ўзини-ўзи банд қилиб, рўзғорига барака олиб келади. Қадимий ҳунармандчиликни замонавий касбга айлантириб, тадбиркор бўлган оилалар бугунга келиб йирик корхоналарга асос сола бошладилар. Натижада улар томонидан яратилган миллий маҳсулотлар ички бозордан дунё бозорига чиқмоқда.

Маҳаллада бир-бирини танимайдиган одам йўқ. Шу билан биргаликда ким қандай яшаётгани ҳам ҳаммага маълум.

Депутат маҳалла аҳлининг ишонган тоғи. Ўзи сайлаган депутатни кўрган борки, албатта, бир муаммони унинг олдига кўндаланг қилиб қўяди. Масалан, ободончилик, инфратузилма билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш, айниқса, ички йўллар, ичимлик суви, электр энергияси ва газ таъминотини яхшилаш, таълим, соғлиқни сақлаш, спортга эътибор қаратиш, ёш оилаларни ер билан таъминлаш кабилар шулар жумласига киради. Депутат "бу иш менинг кўлимдан келмайди", деймайди. У ўз ваколатлари доирасида ҳаракат қилади: сессияга сўров киритади ва му-

тасадди ташкилотларга мурожаат қилади, депутатлик сўрови билан чиқади ва охир-оқибат муаммога ечим топади.

"Шербиллак" ва "Баймоқ" маҳаллаларидан келган вакиллар ўз депутатларининг ҳисоботини эшитиш учун 35-умумтаълим мактабига йиғилишди. Унда "Адолат" СДП вилоят кенгаши масъуллари, маҳаллалар еттилиги, турли ташкилот-муассаса хизматчилари ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

Учрашуви олиб борган "Шербиллак" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Яшнар Гулобов мазкур ҳудуд Қирғиз Республикаси билан чегарадош экани, 2718 нафар аҳолидан 750 нафари қирғиз миллатига мансуб кишилар бўлиб, икки қардош



халқ узоқ йиллардан бери ақил яшаб келаётгани ҳақида тўхталиди. Оилаларда турлибоя вояга етаётган 668 нафар йигит-қиз улўғ мақсад йўлида ўсиб-улғаяётгани ва улар оиласи ҳамда ватан учун манфаат етказадиган паллада эканликларини эслатиб ўтди. Сўнгра ҳисобот учун халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Рўзигул Анаркуловага сўз берди.

– Мен депутатликка сайланган кунимдан қилишда сув муаммосига ечим топиш ҳаракатида бўлдим, – деди Рўзигул Анаркулова. – Шу мақсад йўлида иккита артезиан кудўғи қавлатишга эришдик. Тадбиркор Фурқатжон Валиев бу масала бўйича бизни молиявий қўллаб-қувватлади. Кейин қиллоқ қабристонини обод қилдик. Кўнғил ёришиб, ўшандан бери ҳара-

катдан тўхтаганим йўқ. Ҳафтада икки-уч бор қиллоқларда бўлиб, хонадонларга қираман, одамлардан кўнғил сўрайман. Албатта, бир ўзим бўлсам ҳеч нарсага эриша олмадим. Нима қилган бўлсак, ҳокимият, маҳалла, ташкилотлар, аҳоли билан бир бўлиб қилдик. Ўзим боғдорчиликка ихтисослаш-



ган "Гулрўз" фермер хўжалиги раҳбариман. Мевани қайта ишлайдиган корхона очдик. У ерда 10 нафар фуқарони, маиший хизмат уйида 25 нафар кишини иш билан таъминладик. Депутатлик ҳаётга бўлган қарашимни ўзгартириб юборди. Ҳамиша масъулият ҳиссини сезиб яшайман. Депутат ҳисоботи эшитилгандан сўнг сайловчиларга сўз берилди.

– Рўзигулни танлаган "адолатчи"ларга минг раҳмат! – деди Меҳнат фахрийси Муҳаммадjon Абдукаримов. – Ҳақиқатда бу аёл депутат сифатида вайдонан ишлайди. Иккита қиллоқда қирманган эшиги қолмаган. Ҳаммамизнинг ҳолимиздан хабардор.

– Ҳудудда 12 та фермер хўжалиги бор, – деди Олимжон Усмонов. – Мен ҳосилотман. Рўзигул бог ишини ҳам қотириб қўяди. Пухта тадбиркор. Хотин-қизларга "бекор ўтирманлар", дейди. Фабрикадан иш топиб беради. Уйда товуқ, чорва боқинг, рўзғорга ёрдам бўлади, деб ундайди.

– Мен Рўзигул орани қалби дарё, изланувчан, серғайрат аёл сифатида ҳурмат қиламан, – деди 73-мактаб директори Мунаввара Ҳайдарова. – Ҳақиқатан ҳам депутат опамиз ҳаммага ўрнак. Маҳалламиздаги фарзанди бетоб Фарида оладан мунтазам хабар олиб туради, кам-қўстига ёрдам беради. Мактабимиз 80 нафардан кўпроқ бола ўқийдиган кичик даргоҳ бўлса-да, муаммолар чиқиб қолади. Шунда Рўзигул олага арз-хол қиламиз. Бу киши дарров бир чорасини топади.

Шундай қилиб, мажлисида халқ депутатлари Чуст туман Кенгаши депутати Рўзигул Анаркулованинг депутатлик фаолияти сарҳисоб қилинди. Мажлисда сўзга чиққанлар бир овоздан депутат фаолиятига юқори баҳо беришди.

Наманган вилоят кенгаши матбуот хизмати



Ўзбекистон — Жанубий Корея

МУНОСАБАТЛАРИДА ЯНГИ ДАВР БОШЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ва Жанубий Корея халқларини қадимий дўстлик ришталари боғлаб туради. Икки халқнинг маданияти, менталитетида ўхшаш томонлар кўп. Тақдир тақозаси билан юртимизга келиб қолган корейлар ўзбеклар билан дўст-биродар бўлиб кетган.

**Муҳаммаджон ВАЛИЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

Гарчи икки давлат ўртасидаги ма-софа яқин бўлмаса-да, улар ўртасидаги илм-фан ва технологияларнинг илгор ютуқларини ўзаро алмашиш жараёни қадим тарихга бориб тақалади. Томонларнинг глобал ҳамда минтақавий аҳамиятга эга масалалар бўйича ҳам ёндашувлари ўхшаш ёки яқин.

Корея Республикаси ҳам, Ўзбекистон ҳам кўна тарих ва бой маданиятга эга давлатлар сифатида ўзининг тарихий-маънавий меросини сақлаб келмоқда. Олий даражадаги оқик, дўстона, конструктив мулоқотлар эса мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги муносабатларни янги босқичга кўтариш имконини бераётир.

1992 йилда дипломатик муносабатлар ўрнатилганидан буён мамлакатларимиз ўртасида мустақам ишонч ва дўстликка асосланган икки томонлама алоқалар ривожланди. Айниқса, 2019 йилда Корея Республикаси ва Ўзбекистон муносабатлари алоҳида стратегик шериклик даражасига кўтарилганидан кейин ҳамкорлигимиз янада яқинлик касб этмоқда.

Икки давлат ўртасидаги Парламентларо алоқалар ҳам ҳамкорликнинг муҳим йўналишига айланди. Учрашувлар, делегациялар таширифи, мулоқотлар — мамлакатларимиз парламентларида икки томонлама қонунчилик асосларини ишлаб чиқиш имконини бермоқда.

Жанубий Корея Шарқий Осиёда тараққиётнинг ойдин йўлига чиқиб олган, дунёнинг энг жадал ривожланаётган давлатларидан бири. Унинг тарихий юксалиш даврига эътибор берадиган бўлсак, мамлакат 1960 йилларгача жуда қолоқ, аҳоли жон бошига даромади Африка давлатларидан ҳам кам бўлганлигини кўрамыз. 2020 йилга келиб Жанубий Корея дунёда ривожланган давлатлар қаторидан ўрин олди.

Хўш, Жанубий Корея қисқа муддатда бундай муваффақиятга қандай эришди? Қуйида шу саволга жавоб топишга ҳаракат қиламиз.

**Фурқат САХАТОВ,
Қақшадарё вилоят кенгаши «Ёш адолатчилар» қаноти фаоли**

Айни пайтда Жанубий Корея дунёдаги 130 та мамлакат билан дипломатик алоқалар ўрнатган. Мамлакат экспортнинг катта қисмини электроника, автомобиллар, юк машиналари, юқори технологиялар ташкил қилади. Шу ўринда яна бир эътиборни тортадиган жиҳати, Жанубий Корея инновация соҳасига катта куч сарфляпти. Шунингдек, ялпи ички маҳсулотнинг 4,3 фоизини илмий тадқиқот ва ишланмаларга йўналтиради. Мисол учун, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 0,8 фоиз.

Жанубий Кореяда ўз даврида таълимга катта инвестиция киритилгани бос савдо-иқтисодига юқори кўрсаткичларга эришилган. Шу туфайли ҳам давлат тез тараққиёт этиб борди. «Daewoo», «Samsung», «Hyundai», «LG electronics» каби компанияларда инсон ақлу заковати билан ишлаб чиқарилаётган замонавий маҳсулотлар жаҳон бозоридан муносиб ўрин эгаллаган. Шарқий Осиёнинг «иқтисодий муъжизаси» дея эътироф этилаётган Жанубий Корея халқининг ўртача ойлик маоши уч

Расмий Тошкент ва Сеул ўртасида ҳамкорлик алоқалари кўлами таълим, фан ва маданият каби қатор йўналишларда ҳам янги босқичга чиқмоқда. Бугунги кунда республикамизда Корея етакчи олиғоҳларининг 4 та филиали муваффақиятли фаолият юритмоқда. Ўз навбатида, Жанубий Кореяда 11 минг нафардан ортққ Ўзбекистонлик талабалар таълим оляпти.

Маданият соҳасидаги алоқалар ҳам жадал ривожланмоқда. Маданий алоқаларни мустақамлаш йўлида Республикаимизнинг барча ҳудудларида Корейс миллий маданият марказлари фаолият юритмоқда. Улар корейс тили, маданияти ва аъналарини асраб-авайлашга катта ҳисса кўшмоқда.

Сўнги йилларда иқтисодийнинг барча соҳаларида чуқур алоқалар йўлга қўйилган. Истиқболли лойиҳалар портфели «яшил энергия», рақамли технологиялар, машинасозлик, кимё саноати, электротехника, тўқимачилик саноати, инфратузилмани ривожлантириш, шаҳарсозлик ва бошқа кўплаб соҳаларни қамраб олди.

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёни доирасида ахборот коммуникация технологиялари ва савдо иқтисодий йўналишда ҳамкорлик янги босқичга кўтарилмоқда. Бу борада савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро қўшма

кўмитанинг 12 та ййгилиши ўтказилди.

Бугунги кунда Жанубий Корея капитали иштирокида мамлакатимизда 726 та корхона фаолият юритмоқда. Эътиборлиси, уларнинг 46 таси жорий йилнинг январь-апрель ойларида ташкил этилди. Тўғридан-тўғридан жалб этилган инвестицияларнинг умумий ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошди. Қолаверса, 40 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

Жанубий Кореянинг етакчи компаниялари билан технология ва сарможий ҳамкорлик кенгайиб бормоқда. Айни пайтда Ўзбекистон — Жанубий Корея ўқув-амалий тўқимачилик парки, Ноёб металллар ва қотишмалар илмий-технологик маркази, Кишлоқ хўжалиги техникаси конструкторлик-технология маркази, «Электрон ҳукумат» соҳасидаги ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Жанубий Корея маркази фаолият юритмоқда.

Ўзбекистондан Жанубий Корея Республикасига 50 турдаги кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини экспорт қилиш учун фитосанитар рухсатнома олинган. 2020 йил апрель ойда икки мамлакат иқтисодий ҳамкорлигини кенгайтиришнинг муҳим платформи — «Корея — Ўзбекистон бизнес уюшмаси» (KUBA) Корея Савдо, саноат ва энергетика вазирлиги томонидан рўйхатга олинди.

Жорий йилнинг март ойда эса Сеулда илк бор Ўзбекистон — Жанубий Корея савдо уйи очилди. Бу икки томонлама иқтисодий алоқаларни ривожлантириш тарихида муҳим қадам бўлди ва Жанубий Корея бозорида Ўзбекистон товар ва

Бир сўз билан айтганда, мазкур ташириф икки томонлама шериклик муносабатларини кенгайтиришда янги истиқболларни очиб бериш билан бирга, пировардида давлатларимиз ўртасидаги муносабатларни сифат ва мазмун жиҳатидан бойитган ҳолда, ўзаро манфаатли ҳамкорлигимизни янада юқори босқичга кўтаради.

хизмат турларини яратиш, икки давлат тадбиркорлари ўртасида тўғридан-тўғри ишбилармонлик алоқаларини ўрнатish имконини яратади.

Расмий Сеул Ўзбекистоннинг етакчи савдо ва инвестиция ҳамкорларидан бири. Буни ўтган йили товар айирбошлаш ҳажми 2,5 миллиард долларни ташкил этгани ва корейс инвестициялари ҳажми 7,5 миллиард доллардан ошгани мисолда ҳам кўриш мумкин. Туристлар оқими ҳам йил сайин ортиб, Тошкент ва Сеул ўртасида бир ҳафтада 10 та авиапарвоз амалга оширилмоқда.

Президентимиз тақлифига биноан Корея Республикаси Президенти Юн Сок Ёлнинг шу йил 13-15 июнь кунлари мамлакатимизга давлат таширифи икки томонлама муносабатларни барча йўналишларда жадал ривожлантиришда янги саҳифа очиси, шубҳасиз.

Зеро, ташириф доирасида икки мамлакат расмий делегациялари иштирокда бўлиб ўтган музокараларда мамлакатларимиз ўртасида ҳамкорликнинг барча соҳалари ва йўналишларини қамраб олган алоҳида стратегик шериклик муносабатларини янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.

Икки мамлакат раҳбарлари ҳузурда кўп қиррали шерикликнинг кўплаб соҳаларини қамраб олган 17 та ҳужжат, айниқса, Алоҳида стратегик шерикликни янада чуқурлаштириш ва ҳар томонлама кенгайтириш тўғрисидаги Қўшма баёнотни имзолангани ушбу таширифнинг энг муҳим жиҳатларидан бири бўлди, десак айни ҳақиқат.

лиги учун талабалар эркин, мустақил изланишлар олиб боришлари, касб-хунар ўрганишлари учун имконият яратилади. Ҳар бир талаба ўз иқтидори, қобилиятини ҳар томонлама намоён этиши учун кенг имконият яратилган. Таълим тизимида коррупция аралашувиغا мутлақ йўл қўйилмайди. Билми зур, иқтидорли талабалар олийгоҳни тугатиши билан, вазирилик, давлат идоралари, хусусий компаниялар томонидан дароҳ иш билан таъминланадилар. Корея таълим тизимида яна бошқа ўрганас арзийдиган жиҳатлар ҳам жуда кўп. Қарийб 51 миллион нафардан ортққ аҳоли умргузаронлик қилаётган Жанубий Кореяда қонун устуворлиги таъминланган. Корейс халқи тартиб-қоидага қатъий амал қилади. Таққиланган жойга қинди ташласангиз, шу заҳоти жаримга тортласиз. Жамоат жойида балан овозда гапириш, автомобиль йўлида ҳайдовчи, айниқса, светофорда сигнал бериб бошқа ҳайдовчиларни хавотирга тушириши жавобгарликка сабаб бўлади. Умуман, белгиланган тартибга вазири, амалдорли, ёш-қари ҳамма бирдек амал қилади.

Мен «Адолат» СДП аъзосиман. Мустақил тадқиқотчи сифатида Корея Республикасининг ташқи сийсати бўйича илмий изланиш олиб бораётман. «Янги аср» университети ва Тошкент шаҳридаги иқтисодий ва технологиялар университети (Туркия университетининг филиали)да талабаларга ўз соҳам бўйича сабоқ бераман. Жонажон ватанимизнинг Жанубий Корея билан ҳамкорлигини кенгайтар экан, истиқболда, албатта, тараққиётга эришамиз.

Ўзбекистон ва БМТ

ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Ўзбекистон Республикаси ўз ташқи сийсатида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Айниқса, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) билан алоқалар муҳим ўринга эга бўлиб, Ўзбекистон ушбу нуфузли ташкилот билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қилмоқда.

**Қодир ЖўРАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Халқаро ишлар ва парламентларо алоқалар қўмитаси раисининг ўринбосари,
«Адолат» СДП фракцияси аъзоси**

Энг аввало, БМТнинг юксак минбари Ўзбекистоннинг минтақавий ва глобал миқёсдаги ташаббусларини илгари суришда муҳим платформа вазифасини бажармоқда. Сўнги йилларда давлатимиз раҳбари БМТ минбаридан туриб илгари сурган халқаро ташаббуслар асосида қатор муҳим резолюция ва қарорлар қабул қилинганлиги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Жумладан, 2017-2023 йилларда БМТ томонидан Ўзбекистон ташаббуси билан илгари сурилган ўндан ортққ резолюция ва қарорлар қабул қилинди. Бунга мисол сифатида «Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақамлаш» (2018 йил июнь); «Маърифат ва диний бағрикенглик» (2018 йил, декабрь); «Марказий Осиёда барқарор туризм ва барқарор ривожланиш» (2019 йил, декабрь); «Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш» (2021 йил, май); «Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги ўзаро боғлиқликни мустақамлаш тўғрисида» (2022 йил июль); «Барқарор ривожланиш мақсадларига эриштириш жадаллаштиришда парламентларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» (2022 йил, декабрь) резолюцияларни алоҳида санаб ўтиш мумкин.

Айниқса, жорий йил июнь ойининг биринчи ўн кунлигида БМТ билан алоқалар яна юқори босқичга кўтарилди. Мамлакатимиз ташаббуси билан БМТнинг янги резолюциялари қабул қилинди ва Ўзбекистон номзоди БМТнинг муҳим тузилмавий органларига сайланди.

Жумладан, БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Ўзбекистон ташаббуси асосида ва иштирокида қуйидаги 2 та муҳим резолюция қабул қилинди.

1) 2024 йил 4 июнь кунини БМТ Бош Ассамблеяси Ўзбекистон ташаббуси билан «Марказий Осиё давлатларининг гиёҳвандлик билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш ва барқарор эшиш учун ягона фронт бўлиб ҳаракат қилиш ва ҳамкорлик қилишга тайёрилик» резолюциясини бир овоздан қабул қилди.

Резолюцияга 30 дан ортққ аъзо давлатлар, жумладан, Арманистон, БАА, Баҳрайн, Беларус, Эрон, Индонезия, Иордания, Жазоир, Қувайт, Мароқаш, Уммон, Озарбайжон, Покистон, Қатар, Қирғизистон, Қозғистон, Россия, Саудия Арабистони, Сенегал, Сингапур, Тожикистон, Туркия, Туркменистон, Хитой, Япония ва бошқа мамлакатлар ҳаммуаллифлик қилди.

Резолюцияда минтақа давлатларининг мавжуд ижобий тажриба асосида гиёҳвандлик муаммосини ҳал қилишга глобал ёндашув доирасида гиёҳвандликка қарши самарали ҳамкорликка интилиши алоҳида таъкидланган.

Ҳужжатда гиёҳвандлик воситалари ва уларнинг прекурсорларининг ноқонуний айланishiга қарши курашиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш, стратегик ташаббуслар ва чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқиш кўзда тутилган. Шунингдек, гиёҳванд моддалар билан боғлиқ муаммоларни ҳар томонлама ҳал этишда БМТ, халқаро молия институтлари ва бошқа манфаатдор тарафлар томонидан Марказий Осиё давлатларига кўмакни кенгайтириш муҳимлиги қайд этилган.

2) 2024 йил 7 июнь кунини эса Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Нью-Йорк шаҳридаги қароргоҳида Бош ассамблея Хитой Халқ Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси томонидан ишлаб чиқилган «Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини» деб номланган резолюциясини бир овоздан маъқуллади.

Резолюцияга 80 дан ортққ аъзо мамлакатлар, шу жумладан, Марказий Осиёнинг барча давлатлари, Арманистон, БАА, Баҳрайн, Беларус, Эрон, Индонезия, Қувайт, Малайзия, Миср, Озарбайжон, Покистон, Қатар, Россия, Саудия Арабистони, Туркия ва Венгрия ҳаммуаллифлик қилган.

Ҳужжатда дунёда диний ва маданий хилма-хилликнинг муҳимлиги эътироф этилган; барча маданиятлар ва тамаддунларнинг инсоният тараққиётига қўшган ҳиссаси ижобий қайд этилган; турли маданиятлар ва цивилизациялар ўртасида бағрикенглик, ҳурмат, мулоқот ва ҳамкорлик кўллаб-қувватланган.

Резолюцияга кўра, ҳар йили 10 июни Халқаро цивилизациялар ўртасидаги мулоқот кунини сифатида нишонлаш тақлиф этилган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон номзоди БМТ тузилмалари ва раҳбар органларига илгаридагидан кўра анча кўпроқ сайланиши юз бермоқдаки, бу эса, сўзсиз, мамлакатимизнинг халқаро имижини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Жумладан, мамлакатимиз БМТнинг қуйидаги 3 та муҳим тузилмавий ва бошқарув органлари аъзоллигига сайланди:

1) 2024 йил 7 июнь кунини Ўзбекистон ўз тарихида илк марта БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС)га сайланди.

ЭКОСОС — БМТнинг энг асосий органларидан бири бўлиб, ташкилотнинг иқтисодий ва ижтимоий фаолиятини мувофиқлаштиришга масъулдир. Ушбу тузилма БМТ тизимида барқарор ривожланишнинг барча уч йўналиши — иқтисодий, ижтимоий ва экологик жиҳатдан рағбатлантириш бўйича асосий ўринни эгаллайди. У уч йиллик муддатга сайланадиган 54 аъзодан иборат.

2) Ўзбекистон вакили 2025-2028-йиллар учун БМТ Инсон ҳуқуқлари қўмитасига сайланди.

Аъзо давлатлар ўртасида ўтказилган яширин овоз бериш натижаларига кўра, Ўзбекистондан номзод, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори, академик Акмал Саидов бошқа номзодлар орасида энг кўп овоз тўплаб, Инсон ҳуқуқлари қўмитаси тарихига сайланди. Ўзбекистон вакилининг ушбу нуфузли органга сайланиши, шубҳасиз, Ўзбекистон Республикаси Президенти раҳбарлигида инсон ҳуқуқи ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган демократик ислохотлар самарасининг жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилаётганидан далолат беради.

БМТнинг мазкур етакчи органига мамлакатимиз вакилининг сайланиши, аввало, давлатимиз раҳбари томонидан инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро тузилмалар билан конструктив мулоқот ўрнатилишига қаратилган прагматик ташқи сийсат стратегиясининг натижасидир.

3) 2024 йил 7 июнь кунини Ўзбекистон Республикаси 2024-2027 йиллар учун Халқаро меҳнат ташкилотининг Маъмурий кенгашига сайланди.

Маъмурий кенгаш ХМТнинг ижро этувчи органи ҳисобланади. У ХМТ олий даражадаги сессиялари оралигида ташкилот ишига раҳбарлик қилади ва унинг қарорларини амалга ошириш тартибини белгилайди. Маъмурий кенгаш уч йил муддатга сайланадиган 56 нафар аъзо ва уларнинг 66 нафар ўринбосарларидан ташкил топган. Ўзбекистоннинг Маъмурий кенгашига сайланиши тарихий воқеа ҳисобланади, зеро, Ўзбекистон ХМТнинг ушбу асосий органига биринчи марта аъзо бўлди.

ХМТга аъзо давлатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг мамлакатимизда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам беришга олиб келган қатъияти ва сийсий иродасини, ХМТнинг бир қатор муҳим конвенцияларини ратификация қилиш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, муаммоларни эътиборсиз қолдириш сийсатидан уларни мулоқот орқали ҳал этиш тамойилига ўтилганини юқори баҳолади.

Ўзбекистон БМТ фаолиятини жонлантиришга, ташкилот фаолиятининг кун тартибининг янги мазмун билан тўлдирлишига ҳаракат қилмоқда ва турли истиқболли йўналишлар бўйича унинг кун тартибинини кенгайтирмоқда.

Бир томондан, Ўзбекистон ташаббуси билан ишлаб чиқилган резолюцияларнинг яқдиллик билан қабул қилиниши, иккинчи томондан, мамлакатимизнинг БМТ нуфузли органларига сайланиши Ўзбекистонда турли соҳаларда амалга оширилаётган тизимли ислохотларнинг халқаро ҳамжамият томонидан эътироф этилаётгани ҳамда хорижий ҳамкорлар томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон — ЖСТ:



ГЛОБАЛ ИҚТИСОДИЙ ВА САВДО МУНОСАБАТЛАРИ ЯНАДА КЕНГАЯДИ

Жаҳон бозорларида рақобат тобора кескинлашиб бораётган айни пайтда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига янги талабларнинг пайдо бўлиши мавжуд хом ашё маҳсулотларидан рақобатга чидамли, бозорда талаб юқори бўлган буюмлар ишлаб чиқаришни тақозо қилмоқда.

Абдуғани УМИРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракцияси аъзоси

Бу борада мамлакатимизда сўнгги йилларда дунё бозорларида талаб юқори бўлган ярим тайёр ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга, хомашё экспортдан тайёр маҳсулотлар экспортга ўтиш, саноат ривожини сифат жиҳатидан янада юқори босқичга олиб чиқиш бўйича жадал ислохотлар амалга оширилмоқда. Натижада мамлакат экспортда ҳам тайёр маҳсулотлар улуши ошмоқда. Хусусан, мамлакатимиз экспорти ҳажмида салмоқли ўрини эгаллаган пахта хомашёси ва табиий газни экспорт қилиш ҳажми йилдан-йилга камайирилиб, тайёр маҳсулотлар улуши ортиб бормоқда.

лиқни кучайтириш жараёнларини тезлаштириш учун замин яратди. Бир сўз билан айтганда ташқи савдода тайёр маҳсулот экспорти ҳажми ошириш учун кенг имкониятлар эшигини очди.

Шу боис мамлакат экспорти географиясини янада кенгайтириш мақсадида янги бозорлар топиш, чет давлатлар ва халқаро ташкилотлар билан икки ва кўп томонлама муносабатларни ҳар тарафлама ривожлантиришга қаратилган тинчликсевар ташқи сиёсат жадал рўёбга чиқарилапти.

ЖСТга аъзо давлат халқаро савдонинг тенг ҳуқуқли субъекти сифатида бошқа аъзо мамлакатлар билан бир хил имкониятлар асосида ташқи иқтисодий ва савдо алоқаларини олиб боради. Шу боис мамлакатимизда кейинги йилларда ЖСТга аъзоликни амалга ошириш бўйича ишлар жадал суръатларда олиб борилмоқда. Хусусан, ҳукумат томонидан ЖСТга аъзо давлатлар билан кўп томонлама ва икки томонлама музокараларни яқунлаш бўйича салмоқли ишлар қилинди. ЖСТ битимлари талабларига мувофиқлаштириш учун амалдаги қонунчиликларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу йўналишда олиб борилган ислохотлар жараёнида ташқи иқтисодий ва савдо муносабатларини ривожлантиришга, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)га аъзо бўлиш жараёнини сифатли амалга оширишни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бинобарин, 2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг Тараққиёт стратегиясида ЖСТга тўлақонли аъзо бўлиш учун устувор вазифалар белгиланган. Бу борада давлат раҳбарининг бир қатор фармон ва қарорлари ҳам қабул қилинган.

Авалло, таъкидлаш лозимки, ЖСТ давлатлар ўртасидаги савдони тартибга солиш билан шуғулланувчи нуфузли халқаро ташкилот ҳисобланади. Унга аъзо мамлакатлар сони 166 тадан иборат бўлиб, жаҳон савдосининг 95 фоизи мазкур ташкилотга аъзо бўлган мамлакатлар ҳиссасига тўғри келади.

Хусусан, Президентимиз “Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорни имзолади. Унда Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини тезлаштириш ва сифатли амалга оширишни таъминлаш мақсадида унга аъзо мамлакатлар билан бозорга кириш бўйича музокараларда Ўзбекистон Республикасининг позициясини аниқ белгила олиш, миллий қонунчиликни Жаҳон савдо ташкилотининг битим, қоида ва меъёрига мувофиқлаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш ва миллий қонунчиликка им-

плементация қилиш вазифаси белгила берилди.

Бундан ташқари, 2024 йилнинг 3 июнь куни “Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилоти битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармон қабул қилинди.

Ушбу ҳужжатга кўра, миллий иқтисодиётнинг мавжуд салоҳиятини рўёбга чиқариш, унинг глобал ишлаб чиқариш ва қўшилган қиймат занжирига интеграциясини янада чуқурлаштириш, эркин бозор тамойилларини амалда татбиқ этишни кенгайтириш ҳамда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзолигига эришишни жадаллаштириш мақсадида маҳаллий корхоналарга қонунчилик билан тақдим этилган кўплаб махсус (эксклюзив) ҳуқуқлар ва имтиёزلар бекор қилиниши белгиланди.

Шунингдек, импорт қилинадиган ва ўзимизда ишлаб чиқариладиган акциз солиғи тўланадиган товарлар учун акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич бирхиллаштириш, айрим маҳсулотлар экспортга қўйилган чекловларни бекор қилиш, юртимизда амалда бўлган божхона божи, йиғимлари ва қийматини ЖСТнинг тарифлар ва савдо бўйича бош битими талабларига мувофиқлаштириш, самараси паст бўлган солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий асослар қайта кўриб чиқилади.

Шу билан биргаликда, давлат харидларини амалга оширишда соғлом рақобат муҳитини таъминлаш мақсадида корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилмайдиган харидларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдим этилган имтиёزلар ва преференцияларнинг бекор қилиниши белгиланган. Жумладан, 2026 йил 1 июлдан бошлаб, “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонун билан тартибга солинадиган корпоратив буюртмачилар томонидан амалга оширилмайдиган харидларда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга тақдим этиладиган имтиёزلар ва преференциялар бекор қилиниши назарда тутиляпти.

Бундан ташқари, 2025 йил 1 январдан бошлаб бюджет буюртмачилари томонидан бюджетдан

Умуман айтганда, ЖСТга аъзолик мамлакатимизда рақобат муҳити яхшиланиши, монополиянинг олди олинishi ва инфляция даражаси камайishiга хизмат қилади.



Импорт қилинадиган ва ўзимизда ишлаб чиқариладиган

акциз солиғи тўланадиган товарлар учун акциз солиғи ставкаларини босқичма-босқич бирхиллаштириш, айрим маҳсулотлар экспортга қўйилган чекловларни бекор қилиш, юртимизда амалда бўлган божхона божи, йиғимлари ва қийматини ЖСТнинг тарифлар ва савдо бўйича бош битими талабларига мувофиқлаштириш, самараси паст бўлган солиқ ва божхона имтиёзларини бекор қилишга қаратилган кўплаб ҳуқуқий асослар қайта кўриб чиқилади.

ташқари маблағлар ҳисобидан тузиладиган шартномалар бўйича тўловлар ҳам эндиликда тегишли тартибда фазначиликда рўйхатдан ўтказилган давлат сўғи амалга оширилиши белгиланди.

Шу ўринда, ЖСТга аъзолик Ўзбекистонга нима беради, қандай манфаат кўради? деган савол туғилиши табиий. Бунга қуйидагича жавоб берсак бўлади:

Биринчидан, ЖСТга аъзолик Ўзбекистонда иқтисодий тараққиётга кучли туртки беради. Аввало, янги сармоялар асосида қўшимча иш ўринлари яратилади, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулот сифатини ошириб, дунё бозоридида кучли рақобатга киришади.

Иккинчидан, истеъмолчиларнинг арзон ва сифатли товарлар ҳамда хизматларни танлаш имконияти юзага келади.

Учинчидан, мамлакат жаҳон миқёсидаги савдо сиёсати бўйича муҳим қарорларни қабул қилишда иштирок этади, яъни ташкилот йиғилишида қатнашадиган ҳар бир давлат ўз овозига эга бўлади.

Тўртинчидан, божхона маъмуриятчилиги ва қонунчилик бўйича институционал ислохотларни амалга ошириш, тизимдаги коррупция даражасини камайтиришга кўмак беради.

Бешинчидан, дунё миқёсидаги илмий-техник ривожланиш жараёнига интеграциялашувни тезлаштиради.

Тозалик йўлида бирлашайлик

ҲУДУД ОБОДЛИГИ — ЮРТ ОБОДЛИГИ

Ўзаро меҳр-оқибат кўрсатиш, ҳашар орқали маҳалла ва гузарларни тозалаш, ариқ ва зовурлар қозиш, боғ-роғлар яратиш кўнгил очик, самимий халқимизнинг аждодларидан, ота-боболаридан қолган азалий қадриятларидан бири саналади. Халқимиз “Тоza уйда дард қолмас”, “Уйи тозага гард юқмас, гард юқса ҳам, дард юқмас” каби нақлларни бежиз айтмайди.

Асқар ХОЛИҚОВ,
Самарқанд вилоят кенгаши раиси ўринбосари

Таассуфки, бугунги шиддатли глобаллашув, аҳоли сонининг ошиши, шаҳарлашув жараёнларининг жадаллашиши натижасида сўнгги пайтларда бу каби одатларимиз биров унутилгандек. Атрофни кузатар эканмиз, чиқиндиларни исталган жойга улоқтириш, белгиланмаган жойларга, ариқларга оқишиш, барг-хазонларни ёқиш, дуч келган жойларга сигарет қолдиқлари, писта пўчоқлари, баклашка, целлофан пакетларни ташлаш каби ҳолатлар держли ҳар қадамда учраб туради. Табиийки, табиат ҳам бу каби муносабатга ўзининг жавобини бераётганга ўхшайди.



Бугун инсоният глобал иқлим ўзгаришлари шароитида яшапти. Табиат кескин ўзгармоқда, эртанги кунни башорат қилиш мураккаблашмоқда, бу ҳолат аҳоли саломатлигига ҳам ўз салбий таъсирини кўрсатмоқда.

Экологик ҳалокатнинг оқибатлари билан курашадиган кўра, унинг олдини олишни маъқул деб биладиган, барча экологик муаммолар ечими ва улар билан боғлиқ фуқаролар саломатлиги муҳофазаси масалаларини фақатгина давлатга юклаб қўйиш нотўғри, деб ҳисоблайдиган “Адолат” СДП Сайловолди дастуридан келиб чиққан ҳолда мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш мақсадида “Тозалик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида жойларда партия фаоллари ташкилотчилигида бир қатор тадбирлар ўтказилмоқда. Худудлар ободлиги, тозаланиши таъминлаш мақсадида уюштирилган кўнгилчилар ҳашари кўплаб юртдошларимизда хайрихоҳлик уйғотиб, жамоатчилик диққатини жалб этаётганлиги қувонарли.

Жумладан, “Тозалик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси доирасида Ургут туманидаги “Катта Камангарон”, “Хўжа Аҳрори Валий”, “Камангарон”, “Қуйи Камангарон” маҳалла фуқаролар йиғинларида оммавий ҳашарлар уюштирилди. Ушбу ҳашарда партия Самарқанд вилоят ҳамда Ургут туман кенгаши вакиллари ва маҳалла фуқароларидан иборат мингдан ортиқ кўнгилчилар эрта тондан ўзлари истиқомат қилаётган маҳалла, турар жойлар атрофини ободонлаштириш, озода ва покизалигини сақлашда фаол иштирок этдилар. Ҳашарда худуддаги қабристон ҳам ободонлаштирилди.



— Ободлик кўнгулдан бошланади, дейди доно халқимиз. Бу нақл мазмунидан инсон маънавияти, тарбияси унинг ён-атрофига, табиатга муносабатида ҳам акс этилиши аналгазим. — дейди “Хўжа Аҳрори Валий” маҳалласи раиси Хуршид Ҳамроқулов. — “Адолат” партиясининг “Тозалик йўлида бирлашайлик” лойиҳаси асосида ташкил этилаётган тадбирлар фуқароларда тозалаш-ободонлаштириш ишларида, озодликка, саранжом-саришталликка риоя этиш, яратилган шароитларга ҳурмат, дахлдорлик ҳиссини уйғотишга хизмат қилмоқда. Бугунги ҳашарнинг ўзида миндан ортиқ кўнгилчилар бирлашгани сўзимнинг далили сифатида келтиришим мумкин.

— Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳамда партия ҳамкорлигида ташкил этилган ҳашар орқали нафақат маҳалла, кўча, қабристонлар ободонлаштирилди, — дейди халқ депутатлари Ургут туман Кенгаши депутати Азиз Ашрапов. — Қувонарлиси, кишиларнинг бирлашиб, бирдамликда ҳаракат қилиши ёшларга намуна бўлди. Шу билан бирга, аҳолининг, айниқса, ёш аълодининг табиат олдидаги масъулиятини ошириш, тиббий маданиятини юксалтиришга эришилди. Биз, сиёсий куч фаоллари учун аҳоли яшаш пунктлари ва унга яқин ҳудудларда тўпланиб қолган чиқиндиларни олиб ташлашда мутасадди ташкилотлар фаолияти устидан самарали жамоатчилик ва депутатлик назоратини ўрнатилиш жуда муҳим.

— Бугун жамиятимизнинг энг илғор қатлами сифатида биз, ёшлар атроф-муҳит тозаланиши сақлашда намуна кўрсатишимиз керак, — дейди партия “Ёш адолатчилар” қаноти фаоли Руслан Очилов. — Шу маънода партия-мизнинг “Тозалик йўлида бирлашайлик” лойиҳасини амалга ошириш йўлида ёшларни бирлаштиришимиз, кўнгулчилар ҳашарларини ташкил этишда ташаббускор бўлишимиз лозим.

Таъкидлаш жоизки, саранжом-саришталлик бор жойда кишининг баҳри-дили очилади. Кўча ва боғлар, хиёбонлар, ташкилотлар, мактаб ва боғчалар, шифохоналарнинг атрофлари, умуман, жамоатчилик масканларининг озода ва ободонлиги барчага яхши кайфият улашади. Албатта, ўзимиз яшаётган ва меҳнат қилаётган худуднинг саранжом-саришта ва озодалигига, атроф-муҳит мусадфо бўлишига улуш қўшсак, ҳаётимиз янада гўзаллашиб, ишимизда унум ортаверади. Зеро, ҳар бир худуд ободлиги юртимиз ободлиги саналади.

Дарвоқе, биз бежизга сўзимиз бошида халқимизнинг меҳр-оқибати ҳақида сўз юртимиздик. Ҳашар баҳонасида кўнгилли хомийлар кўмагида Курбон ҳайити муносабати билан кам таъминланган, ноғиронлиги бўлган оилалар ҳолидан хабар олинди, катта қозонларда ош дамланди, тарқатилди. Юртдошларимизнинг хайрли ташаббусимизни кўплаб-қувватлаб, бир мақсад, яъни, юрт ободлиги йўлида бирлашганини кўриб англадикки, биз, “адолатчи”ларнинг ташаббусимиз бесамар кетмади.

ЁЗ ФАСЛИДА МАСЪУЛИЯТ ЯНАДА ОШАДИ

Бахтиёр МИРЗАЕВ,
ёнгин хавфсизлигини таъминлашни ташкил этиш бўлинмаси инспектори, капитан,
Саидакмал САЙДАКБАРОВ,
кичик сержант

Ёнгин хавфсизлигини таъминлаш борасида ўтказилаётган кўндан-кўп тарғибот-ташвиқот тадбирларига қарамай, эътиборсизлик ва эҳтиётсизлик оқибатида турли ноҳус ҳодисалар тез-тез содир бўлиб турибди. Ваҳоланки, бузилган розеткани ўз вақтида алмаштириш, носоз электр мослама ёки маиший техникани таъмирлаш, тез ёнадиган материалларни иситиш ку-

рилмаларидан узоқроқда сақлаш каби оддий ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилмас, кўплаб фожиали ҳолатларнинг олди олинган бўлар эди.

Бугунги кунда юртимизда газлаштирилган худудлар фоизи жуда юқори. Кимдир қувурлар орқали келадиган газдан, кимдир сиқилган газдан фойдаланади. Шунинг учун газ асбоб-ускуналарида фойдаланиш қоидаларига қатъий риоя этиш долзарб масаладир. Зеро, улардан

тўғри фойдаланиш ҳам моддий, ҳам инсоний талафотларнинг олдини олади.

Баъзида шахримиз кўчаларини, маҳаллаларини кезганда, у ерлардаги озодалик, тартибни кўриб кишининг ҳаваси келади. Шунда қувонч билан «Барака топишсин, бир ёқадан бош чиқариб, озодаликни жойига қўйишди», деган фикрни кўнгилдан ўтказасиз. Маҳаллада иш тўғри ташкил қилинганга, маҳаллани обод ва фаровон сақлашда барча фуқароларнинг меҳнати сингганига тасаннолар айтасиз. Аммо, афсуски, ёнгин деган бало борки, у худуд, маҳалла, чегара танламайди. Озгина бепарволик, лоқайдлик, эътиборсизлик бор жойда ёнгин бало буй кўрсатиб келаверади. Электр симларининг қисқа туташуви, ўчмаган сигарета қолдиғи, қаровсиз қолган болалар шўхлиги, телевизорни, дазмолни ўчирмаслик ва бошқалар юз бераётган ёнгинларнинг асосий сабабларидандир. Бундай эътиборсизлик кўплаб кўнгилсиз ҳолларга олиб келади.

Юртимизда ёнгин жазирма кунлари бошланмоқда. Бу мавсумда ёнгин хавфсизлиги ходимларининг масъулияти янада ошади. Чунки об-ҳавонинг ўта иссиқлиги ҳар қандай учқун ҳам тезда катта алангага айланишига йўл очади. Демак, ёз фаслида хушёрлик ва масъулиятни янада оширишимиз керак.

ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ



Хаёт манзаралари

КИМ АЙБДОР?

Томоша кўрсатаётган болаларми ёки?!

Муҳиддин ОМАД,
Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

«ЯНГИ ДЎСТ»

Автобусда кета туриб, қизик воқеага гувоҳ бўлдим. Навбатдаги бекатдан бир йигитча чиқиб, ёнимдаги бўш жойга ўтирди. Автобус ҳаракатлана бошлаган пайтда орқа ўриндикда ўтирган бошқа бир бола ёнимдан боланинг қуллоғига пичирлаб, нималардир дея бошлади. Унинг узук-юлук овозидан исминг нима, қаёққа кетясан, қаерда ўқийсан, деган мазмундаги саволларни бераётганлигини илғаб олдим. Бироздан сўнг у: «Ёнингда қанча пулинг бор? Йўлкирага бериб туролмайсанми?» деб сўради. Ёнимдаги бола чўнтагини кавлаб, икки минг сўмлик пулни унга узатди. Орқа ўриндикдаги бола узатилган пулни чўнтағига солди.

Бу ҳол диққатимни жалб қилди, ўгирилиб, орқа ўриндикда ўтирган боланинг кўзларига боқдим. У кўзларини мендан олиб қочди ва бироздан сўнг «ҳазиллашдим», деб икки минг сўмни эгасига қайтариб берди.

Телефонимга хабарнома тушди, ўқиш учун уни ёқдим. Ортимда ўтирган бола энди мен томонга энкайиб, бамайлиқдири: «Ака, телефонингизни бериб туринг», деди. «Нима қиласан?» дедим. У: «Россияга кўнгирак қиламан», деди. Мен бунинг иложини йўқлигини тушунтирдим. У «Телефонингизни қизганяписми?» дея тиржайди. Бу гапдан асабийлашдим. Лекин ёш бола билан тенглашмайин, дея ўзимни тийиб, телефонимни чўнтакка солдим.

Бола ўрнидан туриб, автобуснинг олд қисмига йўл олди. Бора туриб, йўловчиларнинг қўлидаги нарсаларига синчков назар ташлай бошлади. Хайдовчининг ёнига бориб, у билан нималарнидир гаплашди ва яна ортига қайтиб келиб, ёнимда ўтирган болага: «Ошна, сенга ҳам йўлкира тўлаб қўйдим, учрашамиз», дея навбатдаги бекатда тушиб қолди.

Ёнимдаги содда бола «янги дўст» орттириганидан хурсанд бўлди, шекилли, у билан самимий хайрлашиб қолди. Ўзимча ҳеч кимдан тап тортмайди, омма орасида ўз холича юриб ўрганган «кўча боласи» шу бўлса керак, деган хаёлга бордим. Балки у ўзининг «саховати» билан яна бир тенгдошини қармоғига илтиригандир...

«ИСТЕЪДОД»

Мактабда ишлаб юрган пайтимда истеъдодли болаларни излардим. Олтинчи синфга кириб, ўқувчилардан орангизда шеър ёзадиган, расм чиза-

диган ёки қўшиқ айтадиганлар борми, деб сўрадим. «Ҳа, бор, манави зўр қўшиқ айтади», деб қорамгаиз, кўзлари ёниб турган, кўринишидан сўзамолгина болани кўрсатишди.

Уни хонамга олиб кириб, қани, бир эшитайлик-чи, дедим. У ҳеч тортинмай, «Бир дўстим бор» қўшиғини менинг наздимда маромига етказиб ижро этди. «Яна айтайми?» деди сўнгра. «Айт!» дедим. У яна ва яна айтди. Ёш қўшиқчининг бошини силаб: «Муסיқа тўғарагига қатнаш, сендан зўр қўшиқчи чиқади», дедим. У: «Хўп, домла!» деди ва хонамдан чиқа туриб: «Уйингиз қаерда?» деб сўраб қолди. Манзилимни айтдим.

Дарсга кўнгирак чалинди. Бир оздан сўнг дафтарчамга ёш истеъдоднинг ими-шарифини ёзиб олмаганим эсимга тушиб, синфига кирдим. Дарс ўтаётган ўқитувчидан рухсат олиб, ҳалиги болани суриштирдим. Болалардан бири ўрнидан туриб: «Унинг исми Атамбой, сизларникига кетди», деди. «Бизникида нима қиларкан?» дедим хайратим ортиб. «Билмадим, — деди бола елка қисиб, — дарсга кирмайсанми, десам, «домланикига бориб келай», деб кетди-ку»...

Мактаб ҳовлисида жисмоний тарбия ўқитувчиси турган экан. Унга «истеъдодли бола ҳақида сўзлаб бердим. У гапимни тутатиб-тутатмасимдан роса қотиб қолди. «Нега куласиз?» десам, «Атамбой аллақачон кашф этиб бўлинган. Унга хушёр бўлмасангиз, уйингизни супуриб кетади», деди. «Қанақасига?» дедим хайрон бўлиб. «Мен аҳмоқ бўлмасам, — деди у, — дарс пайтида уйда ҳақиқий футбол тўпим борлигини айтманми. Кечки пайт уйга борсам, хотиним, «тайинланган экансиз, қиммат тўпингизни бир бола келиб олиб кетди», дейди. Кимакан, у, деб суриштирсам, ўша «истеъдодли» Атам бўлиб чиқди. Мактабга бир ҳафта келмади. Синф раҳбари топиб келди. «Тўп қани?» десам, «Сотвордим», деб турибди. Хушёр бўлмасангиз бўлмайди. У яқшалба кунлари шаҳарга кетиб, тиланчилик ҳам қилар экан, профилактика инспекторининг рўйхатида туради...»

Хавотир олиб, уйга борганда хотинимдан суриштирсам, ундай бола келгани йўқ, деди. Хайрият. Орадан бир-икки кун ўтиб, ўша «ёш истеъдод» қаршимдан чиқиб қолди. «Қаерда юрибсан, кўринмайсан?» десам, ер чизиб: «Муסיқа мактабига тўғаракка қатнапман», деди. «Аммо хушёр бўл, одамларни алдама, ўғирлик қилма, ақли йигит бўлгин, сен истеъдодли боласан», дедим унга танбеҳ бергандай бўлиб. «Хўп!» — деди у кўзлари ёниб, кейин ортимдан, — Домла, ўша кун уйингизни излаб

тополмадим, қаерда яшайсиз, ўзи?» деб сўраб қолди. Мен унга жавобан, «Уз-з-о-о-оқда, бу ердан кўринмайди», деб қўя қолдим.

ЁШ ҚАРОҚЧИ

Банкка боргандим. Одам гавжум. Навбат кутиб ўтирибман. Ранги оқариб кетган бир аёл безовта ҳолатда у ёққа боради, бу ёққа келади. Ўтирган-турган кишининг дузига қарайди. Орадан ўн-ўн беш дақиқалар чамаси ўтгандан кейин банк кўриқчилари озгин, чиллаширга ўхшаган бир ўсмирни банкнинг иккинчи қаватидан етаклаб тушиб, аёлга рўпара қилишди. Аёл нафаси бўғизга тикилиб: «Ҳа, шу йигит», деди. «Холанинг пластик карточкаларини сен олганмидинг?» деди кўриқчилардан бири ўсмирга. «Ҳа», деди у. «Нега олдинг?» «Узлари пул ечиб, бергин, деб бердилар». «Ҳа, тўғри, — тасдиқлади аёл. — Пул оладиган жойда одам кўп экан. Нафасим сиқилади. Шу бола ташқарида турган экан, ўғлим, мен тушунмайман, пул ечиб беринг, деб шу боладан илтимос қилгандим. Бу бола паролни айтинг, деди. Паролни айтдим, ичкарига кириб ниманидир суриштириб чиқаман, деб банкка кириб кетди. Ярим соатдан бери банккомат олдида турибман, қайтиб чиққани йўқ». «Қани пластик карточкаларини?» сўради ўсмирдан кўриқчи. Ўсмир шимининг орқа чўнтағидан пластик карточкани олиб, кўриқчининг қўлига тутқазди.

Аёл: «Ҳа, ана шу пластик меники»,

ХОТИМА ЎРНИДА

«Кўча боласи» бўлиб шаклланаётган уч болакай ҳақидаги ҳикояни ниҳоясига етказганимдан сўнг туғилган бир савол мени унга жавоб излашга ундади. Ҳўш, болалар нима учун бундай аҳволга тушиб қолишди? Уларнинг келажақдаги ҳаёти қандай ўтади? Фарзандига тўғри тарбия бера олмай ҳаловатидан айрилган ота-оналарни қандай ситамлар кутмоқда?

Ҳикояда тасвирланган болакайларнинг борар манзили бир, улар токи ўша манзилга етгунларига қадар, аввало, ўз ота-оналарини, кейин эса бутун бошли жамиятни ташвишга солиб яшайдилар. Ҳўш, болалар феълдаги бу иллат қаердан пайдо бўлди ва бунда ота-онанинг айби борми? Албатта, бола тарбиясида, энг аввало, ота-она айбдор! Чунки фарзандига муносиб исм қўйиши, яхши тарбия бериши ва чироили касб ўраатиши ота-онанинг бурчи ҳисобланади. Бу уч амалнинг қай бирида кемтик бўлса, бу кемтик умрининг охирига қадар асоратини кўрсатади.

Балогат ёшига етган ўғил ва қизнинг ақли ҳамма нарсага етадиган, феъли шаклланиб бўлган бўлади. Ундан у ёғига камдан-кам ҳолларда ташқи тарбия таъсир қила олади.

Кун кеча ҳикояда тилга олинган «ёш қароқчи» ва «истеъдодли бола» билан тасодифан учрашиб қолдим. «Қароқчи йиғит»нинг қассобдан текинга бўш олмоқчи бўлиб, зўравонлик қилаётганига гувоҳ бўлган бўлсам, «истеъдодли бола»кай эса аллақачон оғир тарбияси тўғрисида алоҳида интернат-мактабда таълим олаётган экан. Демак, тарбияси издан чиққан болалар ҳозирдан ўз «томошалари»ни кўрсата бошлашган. Жадид бобомиз Абдулла Авлоний: «Энг бой мерос, бу — яхши тарбия!» деганди. Дарҳақиқат, оилада тарбия топмаган бола бир умр таъқиб остида яшайди. У на ишда, на турмуш ва на жамиятда ўз ўрнини топа олади. Бола ҳаққини, яъни тарбиясини ўз вақтида эво этмаган ота-она эса бир умр товон тўлаб ўтишга мажум бўлади.

деди суюниб. «Пул ечмадингми?» сўради кўриқчи йиғитдан. «Е-е-чдим!», деди у ҳамон ички кўрқувни енга олмасдан. «Қанча ечдинг?». «Уч юз...». «Хола, пластигингизда қанча пул бор эди?». «Беш юз элик минг, болам». «Қанча пул ечишингиз керак эди?». «Уч юз минг!». Кўриқчилар банк ходимларидан бири билан аёлнинг пластик картасидаги пулнинг ҳисобини чиқаришди. Айтилганидай, пластик карточкадан уч юз минг ечилиб, икки юз элик минг қолдиқ қолибди. «Пулни ечганингга ярим соат бўлибди, нега опага бермадинг?». «Бермоқчи эдим. Холани қидириб тополмадим». «Опа сени ташқарида кутиб турибди, чиқмабсан. Бунинг устига иккинчи қаватда яшириниб юрибсан... пулни чиқар». Ўсмир ички чўнтағидан учта юз минг сўмлик олиб, кўриқчига тутқазди. Кўриқчи пулни опага бера экан: «Опа, пластик картангизни ҳар кимга ишониб бераверманг-да», деди.

Аёл: «Хўп, ўғлим! Бунақа бўлишини қаёқдан билай», деди ўсмирнинг юзига ачиниш билан қараркан. «Иккинчи бу ерда қорангчи кўрмайин!» деди кўриқчи болага. Ёш қароқчи эсон-омон қутилиб қолганига шукр қилиб, банкдан отилиб чиқиб кетди.

Банқда ишим битиб, ташқаридаги банккомат ёнидан ўтаётганимда нарироқдаги каштан дарахти панасида турган таниш қиёфага кўзим тушиб қолди. Эсладим, бу ҳали заҳил юзига қон югуриб улгурмаган, кўзлари олазарак бўлиб, навбатдаги ўлжасини сабр билан кутаётган ўша йигитча эди...

Бугуннинг гапи

Фарзандларимизнинг телефонга қарамлиги кундан-кунга ортиб борапти. Буни технология ривожланган даврининг табиий қусури сифатида қабул қилаётганлигимизнинг ўзи бир фожиа. Пашшадан фил ясаманг, деманг. Ана шу «пашша» бизнинг келажагимизни, орзу-ҳавасларимизни рўёбга чиқарувчи дилбандларимизнинг эртанги кунини боши берк кўчага етаклаётганини идрок қилиб кўринг.

“ПАБЖИ” ҲИЙИНИ —



“қотиллик” каттаёёрлаш мактаби... (ми?!)

Гулчеҳра АҲМЕДОВА,
журналист

Узоққа бормай, бир кун уғлим “Ойи, ўртоқларим билан телефонда ўйин ўйнаймиз”, деб хонасига кириб кетди. “Ҳа, ўйиндир-да”, деб кўйгандим. Аммо бақир-чақир овозлари мени хушёр торттирди. Билсам, бу онлайн улаиб олган ўндан ортиқ болаларнинг шовқини экан. Бу — ўзим ҳам шу кунгача унчалик эътибор қилмаган “Пабжи” ўйини эди.

Ўйинни кузатиб, даҳшатга тушдим. Гўёки уруш ичига тушиб қолгандек бўлдим. Қуролланган ўйин қахрамони йўлида дуч келган одамни қонга белаб, ўлдириб кетиб борарди. Е алҳазар... Болаларнинг кўзида эса, афсуски, кўрқувдан зарра нишон йўқ...

Шунда тушуниб етдим — нима учун россиялик 15 ёшли бола телефонини олиб қўйган онасининг қотилига айланганини; нега бугун мактаб ёшидаги “она сўти” оғзидан кетмаган болаларимиз ўзига таълим бераётган устозига ҳайиқмай қўл кўтараётганини, нима учун ўсмирлар ўртасида жиноятчилик кун сайин ортиб бораётганини...

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, 2023 йилда Ўзбекистонда воёга етмаганлар томонидан 3500 та жиноят қайд этилган. Уларнинг 2280 таси мактаб ўқувчилари ҳисобига тўғри келади.

Воёга етмаганлар орасида жинояти учун маҳкамга тортилган шахслар сони 2022 йилга нисбатан 487 кишига ёки 15,6 фоизга, 2021 йилнинг январь-декабрь ойларига нисбатан эса 1,4 баробарга ошган.

Ёш тоифасига кўра, уларнинг 744 нафари 13-15 ёш, 2 855 нафари эса 16-17 ёшдаги болалардир.

Жиноят турлари кесимида эса — 1 602 та воёга етмаган шахслар ўғирлик, 453 та безорилик, 135 та фирибгарлик, 181 та талончилик ва босқинчилик, 104 та қасддан баданга оғир шикаст етказиш, 54 та номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш, 12 та қасддан одам ўлдирish жиноятларини содир этган.

Бугун аксарият ота-оналар оиласи турмуш шароитини яхшилаш, фарзандларини яхши едириб, яхши кийинтириш, дабдабали тўйлар қилиш учун тинимсиз ҳаракатдалар. Кимдир хоржидда, кимдир бошқа соҳаларда кўпроқ даромад топиш учун оиласидан, фарзандларидан йироқда, айрим ота-оналар эса бир том остида яшаб туриб, ишдан қайтишган заҳоти фарзандлари таълим-тарбияси билан машғул бўлиш ўрнига, ўзлари телефонга мўкасида кетадилар.

Биз эътиборсиз, оддий ўрин деб қараётган шафқатсизликлар фарзандларимизнинг қалбини тошдек қотириб қўймаётими? Тош қотган дийдалар эса ҳар қандай ёвузликдан қайтмасликлари ҳаёт ҳақиқати эмасми?

Шу ҳақида ўйлаб кўрайлик. Фарзандларимизнинг келажиги барбод бўлишига йўл қўймайлик, азизлар.

